

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.226.12(575.1)

АХРОРОВ ЗАРИФ ОРИПОВИЧ


**ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги

**Иқтиносидиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
иқтиносидиёт фанлари доктори,
профессор Ж.Р. Зайналов**



ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| Кириш..... | 3 |
| 1-БОБ. ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | |
| 1.1. Фойданинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уни солик объекти сифатида шакллантириш зарурияти..... | 13 |
| 1.2. Фойдани соликқа тортиш механизмининг микро ва макроиқтисодиётни барқарор амал қилишига таъсири..... | 41 |
| 1.3. Фойдани соликқа тортишни хукуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари..... | 49 |
| 1-боб бўйича хulosалар..... | 57 |
| 2-БОБ. ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ | |
| 2.1. Фойда солиғи механизмида мавжуд муаммолар таҳлили..... | 60 |
| 2.2. Инвестицияларни жалб қилишда фойда солиғидан фойдаланиш амалиёти..... | 69 |
| 2.3. Фойда солиғи самарали ставкаси таҳлили..... | 80 |
| 2-боб бўйича хulosалар..... | 96 |
| 3-БОБ. ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | |
| 3.1. Фойдани соликқа тортиш амалиётининг хориж тажрибасини Ўзбекистон солик тизимида кўллаш имкониятлари..... | 98 |
| 3.2. Корхоналарда фойда солиғини прогнозлаштириш модели..... | 113 |
| 3.3. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришда фойдани соликқа тортиш механизмини такомиллаштириш..... | 123 |
| 3-боб бўйича хulosалар..... | 131 |
| ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... | 134 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 136 |
| ИЛОВАЛАР..... | 147 |

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон иқтисодиётида кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири соликқа тортишнинг иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхоналар фойдасини соликқа тортиш иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили саналади. Хусусан, «2019 йилда ЯИМда корпоратив фойда солиги улуши Японияда 4,2 фоизни, Канадада 3,8 фоизни, Буюк Британияда 2,5 фоизни, Францияда 2,2 фоизни, Германияда 2,0 фоизни, Италияда 1,9 фоизни, АҚШда 1,0 фоизни ташкил этган»¹. Фойдани соликқа тортиш давлат бюджети ва корхона молиявий хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир этувчи восита ҳисобланади. Шу боисдан фойдани соликқа тортиш механизмини такомиллаштиришни ҳар доим долзарб масалалардан биридир.

Халқаро миқёсда фойдадан олинадиган соликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш, экспорт-импорт муносабатларини тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу билан бирга рақобат шароитида фойдадан олинадиган соликдан қочиш ҳолатларининг кузатилиши ва уларни бартараф этишга мос қонунчилик нормаларининг жорий қилиниши, бу орқали барча даромадлардан солик тўлашга жалб қилишга ҳаракат қилиш чоратадбирлари кузатилмоқда. Шунга кўра, ҳозирги шароитда солик юкини изчиллик билан пасайтириш, кулай бизнес юритиш учун ижтимоий-иктисодий шароитлар яратиш, «яширин» иқтисодиётни кескин қисқартириш, самарали солик сиёсатини юритиш, шунингдек фойдани соликқа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишларидағи илмий-амалий тадқиқотлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда солик соҳасида чукур иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш шароитида солик юкини кескин қисқартириш орқали корхоналарда ўз ихтиёрига қоладиган молиявий ресурслар ҳисобига ишлаб чиқаришни

¹ Peter G. Peterson Foundation. <https://www.pgpf.org/blog/2021/04/six-charts-that-show-how-low-corporate-tax-revenues-are-in-the-united-states-right-now>